

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

«КАСБИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ» ФАКУЛЬТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

**«ЭТНОПЕДАГОГИКА» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАВЗУСИДАГИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: «Касбий таълим» йўналиши
битирувчиси, IV-курс талабаси
Саъдуллаева С.

ИЛМИЙ РАҲБАР: Катта ўқитувчи
О.А.Хакимова_____

КАФЕДРА МУДИРИ: Педагогика
фанлари номзоди, доцент Қосимова
Зебо Хамидовна_____

Битирув малакавий иши кафедранинг 2012 йил «___» _____ даги

« _ » -сонли йигилишда муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

ТОШКЕНТ 2012

«Этнопедагогика» фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Режа:

Кириш

1-боб Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг назарий асослари

- 1.1. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари
- 1.2. Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш, педагогик тизимни оптималлаштириш.

2-боб «Этнопедагогика» фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг амалий асослари.

- 2.1. «Этнопедагогика» фанини ўқитиш жараёнида инновацион технологиялар асосида ташкил килиш.
- 2.2. «Этнопедагогика» предметини ўқитишнинг янги тамойил ва методлари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикамиздаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни ўзлигини англашда имкониятларни рўёбга чиқаришга ва маънавий интеллектуал, ақлий-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб беради.

Узлуксиз таълим тизимини малакали педагог кадрлар билан таъминлашнинг ижтимоий, умуммиллий аҳамиятини баҳолаб экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидагиларни алоҳида таъкидлайди: "Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак". Дарҳақиқат, педагогик фаолият узлуксиз таълим тизимининг серқирра меҳнат талаб этувчи фаолиятидан бири, шу билан бирга, педагог кадрларни доимий равишда янгиланиб бораётган психологик-педагогик билимлар ҳамда янгича моҳият касб этаётган методик билимлар билан қуроллантирувчи тизим ҳисобланади.

Инсоният ўзлигини англашига янгича ёндошиш фақат унинг ўзига, жамиятга, табиатга муносабатларида эмас, балки унинг фаолиятида илмий-амалий, ислохий ўзгаришлар содир бўлиб, у янгича фикрлаш асосларини эгаллашга кадам қуйди.

Шахсий фазилатларни бойитиш, ўз устида ишлаш, фаолиятга ижодий ёндашиш эҳтиёжига эга бўлмаган мутахассис, шу жумладан, педагог ҳам муайян ютуқларга эриша олмайди. Доимий равишда ўз устида ишловчи, ижодкор ўқитувчи жамият томонидан ёш авлод таълим-тарбиясига қўйилган ижтимоий буюртманинг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи асосий ижрочилар ҳисобланади.

Жахон илм-фани ривожига улкан хисса қўшган буюк қомусий олимлар - Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбекларнинг илмий қарашлари ҳам изчил билим олиш, мавжуд билимларни ўрганиш ўзлаштирилган билимларни такрорлаш, машқ қилиш, турли тажрибаларни ўтказиш асосида шаклланган.

Муайян фаолиятни доимий равишда ташкил этиш шахсда маълум кўникмаларни ҳосил қилади. Кўникмалар эса фаолиятни изчил давом эттириш жараёнида малакаларга айланади. Шаклланган малака эса шахс томонидан фаолиятнинг тезкор, сифатли, самарали кечишини таъминлайди. Фаолиятда самарадорликка эришиш инсониятни қай даражада қизиқтириб келган бўлса, уни ташкил этаётган шахснинг касбий малакага эга бўлиши ҳам шундай долзарблик касб этган. Касбий малакага эга бўлиш ижтимоий, шу билан бирга шахсий аҳамиятга эгадир. Малака, аввало, махсус билим, сўнгра ўзок вақт қайта-қайта такрорланадиган машқлар туфайли эгалланадиган тажриба ва кўникмаларнинг онгли равишда ақл-идрок ҳамда тафаккур чиғириғидан ўтказилган ҳолда мужассамлашуви ҳисобланади.

Касбий малакага эга бўлмаган педагоглар ёш авлодга сифатли таълим бериш, уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш имкониятига эга бўлмайдилар. Ўқитувчилар фаолиятида энг аввало, уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, мавжуд кўникма ҳамда малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, маънавий-ахлоқий сифатларини бойитиш сифатида тушуниш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда рўй бераётган тезкор ўзгаришлар мавжуд билимларни доимий равишда бойитиб бориш, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир мутахассис ўз устида ишлаши, билим ва малакаларини ўзлуксиз ошириб бориши лозим.

Бу жараёни амалга ошириш ва сифатли ташкил этиш учун дастлаб ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштириш, педагогик технология

ғоялари билан бойитиш, машғулотларни ташкил этишда ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, марузачи сифатида фаолиятга инновацион ёндаша олиш лаёқатига эга педагогларнинг танланишига эришиш, уларни замонавий талабларга жавоб бера оладиган методик адабиётлар билан қуроллантириш каби вазифаларни хал этиш тақозо этилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илмий асослаб берилган кадрлар тайёрлаш миллий модели комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш бу жараёнда муҳим ўрин тутувчи таълимни технологиялаштириш билан ўзвий боғлиқлигини тасдиқлайди. Бинобарин, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқув-тарбиявий жараёни инновацион технологиялар билан таъминлаш - уни рўёбга чиқаришнинг иккинчи ва учинчи босқичлари учун муҳим характерли хусусият эканлигига алоҳида урғу берилган.

Республикада педагог кадрларнинг касбий маҳоратга эга бўлишларига эришиш, уларнинг касбий маҳоратларини юқори даражада бўлишини таъминлаш, бу борадаги муаммолар ва уларни хал этиш йуллари О.Абдуқуддусов, Н.Азизхужаева, А.Жабборов, М.Жуманиёзова, Р.Жураев, Х.Ибрагимов, М.Коплонова, М.Очилов, С.Саидкулов, Н.Сайидахмедов, Д.Сайфуров, А.Расулов, Ж.Толипова, У.Толипов, М.Усмонбоева, Б.Фарберман, Э.Ғозиевлар томонидан узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида турли ихтисосликлар буйича фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг этник ва психологик хусусиятлари, ўқувчилар билан ўзаро муносабати, педагогик технологияларнинг таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги аҳамияти, шунингдек, инновацион технологиялар ёрдамида ўқув жараёнини ташкил этиш масалалари педагогик нуқтаи назардан ўрганилган.

Битирув малакавий иши мақсади: Ўзбекистондаги мустақиллик давригача бўлган таълим – тарбия тизимини таҳлил қилиш ва шакллантирилаётган таълим тизимига янги инновацион технологиялар жорий этишнинг муҳим омилларини асослаб бериш ва “Этнопедагогика” предметини ўқитишда мана шу янги инновацион технологиялардан кенг фойдаланишдан иборат. Ўқув жараёнини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш орқали илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши вазифалари:

- о педагогик ва психологик адабиётлар, ўқув иш режалари ҳамда дастурларини ўрганиш, назарий таҳлил қилиш асосида таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш ва мазмунини шакллантириш;
- о таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёнининг андозасини ишлаб чиқиш;
- о таълим жараёнида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш омиллари ҳамда ташкилий-методик асослари (шакл, метод ва воситалари) ни аниқлаш.
- о “Этнопедагогика” предмети мавзуларини янги инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш.

Битирув малакавий ишининг методологияси: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури", Республика Президенти И.А.Каримовнинг ўзлуksиз таълим тизимини ривожлантиришга оид ғоялари, психологик ва педагогик тадқиқотлар, мавзуга оид манбалар мазмунида ёритилган назариялардан иборат.

Битирув малакавий иши методлари:

- мавзуга оид педагогик ва психологик адабиётларни ўрганиш;
- назарий-педагогик таҳлил,

- педагогик кузатиш;
- сухбат;
- педагогик тажриба.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:

1. Ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг долзарб педагогик муаммо эканлиги асосланиб, назарий ғоялар шакллантирилди.
2. Ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёнининг андозаси ишлаб чиқилди.
3. Ўқув жараёнида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш омиллари ҳамда ташкилий-методик асослари (шакл, метод ва воситалари) аниқланди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти: педагогик ва психологик манбалар, тадқиқотларга таянган ҳолда ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатига баҳо берилди; ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёнининг мазмуни асосланди; таянч тушунчаларга педагогик таърифлар берилди; инновацион технологиялар воситасида ўқув жараёнининг андозаси ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг объекти: “Этнопедагогика” фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети: таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми: битирув малакавий иши кириш, икки боб, 4 параграф хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илова ва атамалар рўйхати (гlossарий) дан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 70 саҳифани ташкил этади.

I-БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари

Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир", - дейилади

Ушбу мақсадни амалга оширишда педагоглар асосий субъектлар саналадилар. Бугунги кунда Республика педагог олимлари ва ўқитувчилар Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган ҳамда илмий асосланган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида илм-фаннинг жамият тараққиётига кўрсатувчи таъсир юқори баҳоланиб, қуйидаги фикрлар баён этилади: "Умуман, мен фанни илғор тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йуналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим".

Мазкур фикрлар жамият ҳаётининг барча соҳалари ривожланишини таъминлашда аждодлар тажрибаларига таяниш, миллий ва умуминсоний

кадриятларни эъзозлаш билан бирга уларнинг анъаналарига садоқатли бўлиш зарурлигини англатади. Дархақиқат, аجدодларнинг маънавий ва педагогик меросини ўрганиш ва уларни бойитиш ёш авлод таълим-тарбиясини муайян изчилликда ташкил этиш ва бу йулда самарадорликка эришишни таъминлайди. Маданий мерос ва миллий кадриятлар ғояларини чуқур ўрганиш, буюк алломаларнинг ўқитувчи шахси ва фаолияти тўғрисидаги курашларини таҳлил қилиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йуналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юртлари малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда педагогик технология ва педагогик маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.

Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга куйидагилар киради:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;
- талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;
- педагог ва талабанинг ҳамisha ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар - педагогик технологиялар масалаларининг муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган компьютер, масофали ўқитиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи - бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижада ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад буйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари ҳулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ, ва уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата

олса, ана шу, ўқитиш жараёнининг асоси хисобланади. Хар бир дарс, мавзу ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу якка тартибдаги жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан холда бир мақсадга йуналтирилган, олдиндан лойихалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Манбаларда "таълим методлари, усуллари, йуллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситалари мажмуи", "ўқитувчи махоратига боғлиқ бўлмаган холда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойихаси", "аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизими", "ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шакллантириш жараёни", "педагогик жараёни техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандартга солиб, унинг оптимал лойихасини тўзиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ходиса" дея таърифланган педагогик технологиялардан фойдаланиш педагоглар томонидан ўз касбларини етук мутахассислари бўлишга имкон беради.

Таълим жараёнининг дидактик моҳиятига кўра педагогик технологияларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология.
2. Муайян ўқув-тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи ишларни яратишга асосланган педагогик технология (келгуси ўқув омилларини яратиш технологияси).
3. Бошқаришга асосланган педагогик технология.

Янги педагогик технологияни ўқитувчи шахси билан боғлиқ бўлиб. замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш жараёнида "ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини таъминловчи, йуналтирувчи,

маслахат берувчи, тафаккурини ривожлантиришнинг туғри йулларини кўрсатувчи, ҳамкорлик қилувчи шахс саналади.

Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятига дидактик жihatдан қайта ишлов бера олиши ва уни тахлил қила билиши, натижаларини бошқара олиши ва уларга баҳо бера билиши, мавжуд педагогик ходисаларни, шунингдек профессионал таълимнинг ижобий хориж тажрибасини тахлил қила олиши даркор.

Психологик-педагогик фанлар таркиби ва мазмунига бўлажак педагогнинг инновацион имкониятларини кенгайтирувчи тадқиқотчилик педагогик фаолиятининг методологик билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш вазибалари сингдирилган бўлиши лозим.

- Юқорида келтирилган таърифларда таълим методлари, дидактик асослар хақида сўз юритилади, аммо таълим мазмуни тилга олинмайди.

Бугунги кунда педагогларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганишлари инновацион фаолият билан боғланмокда. Дархақиқат, инновациялар бугунги кунда педагогларнинг ўз устида ишлаш орқали уларнинг малакасини оширишдаги энг мухим омилга айланмокда.

Ёш авлодни хар томонлама баркамол бўлиб вояга етишишлари ва ижтимоий қийинчиликларни мустақил енга олишларида педагогларнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

Педагогнинг ўз устида ишлаши ўта мухим хисобланади. Зеро, у ўзбек тилида яратилган, шунингдек, хорижда нашр қилинган турли манбаалар билан боғлиқ илмий, назарий, педагогик адабиётларни, илмий-методик журналлар мақолаларини, Интернет сайтларидан олинган маълумотларни меҳнат фаолияти давомида ўзлуксиз мутолаа қилиб бориши керак. Замон, жумладан, биз хам амалга ошиши шарт деб хисоблаётган ушбу жараёнда ихтисосий билим, кўникма ва малакалар, янги педагогик технология, ахборот технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ талай янгиликлардан хабар топади, уларни ўз тажрибасида қўллаб кўради ва ўз навбатида бу тажрибани бойитади. Бу жараён "инновацион фаолият"ни ифода этади.

Маълумки, таълим олиш, шу жумладан, билимларни мустахкамлаш ўз

устида ишлаш ҳам меъёрида ривожланаётган ҳар бир (соғлом) инсон учун табиий ва ижтимоий эҳтиёждир. Бунинг учун эса одам ўзининг бошқалардан орқада қолаётганини ҳис этиши, уларга етиб олиш ниятида ўзида куч ва имконият қидириб топиши керак. Бу ҳолат ижтимоий заруриятда ўзифодасини топади. Касбий билимларни ўрганиб бориш ҳам ана шу зарурият туфайли юзага келади.

Бугунги кунда педагогларнинг олиб борадиган фаолият доираси кенг, методикаси ҳам ўзига хос. Шунга кўра ҳам мутахассиснинг ўз устида тинмай ишлаши, методик адабиётларни мутолаа қилиб бориши, бунда Интернетдан олинadиган маълумотлардан ҳам фойдаланиши, ўз касбдошлари билан тажриба алмашиши муҳим аҳамият касб этади.

Педагоглар билимларини мустаҳкамлаш жараёнида қуйидаги тамойиллар асосий ўринни эгаллайди:

- махсус психологик топшириқларнинг дастлаб фикрлаш лаёқатини, сўнгра эслаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилиши;
- таълим жараёнининг оддийдан мураккабга, умумийликдан хусусийлик томон бориши;
- шахсий тажрибани таҳлил қилиш ва унинг асосида ўртага ташланган муаммони ҳал этиш мақсадида реал далилларни келтириш;
- шахснинг устувор хусусиятларидан бошқаларни камситиш учун эмас, балки жараён мазмунини бойитишда фойдаланиш;
- жамоа билан ишлашда "Мен" концепциясидан қочиш ва ундан намуна, эталон, сифат кўрсаткичи сифатида фойдаланишни бошқалардан талаб қилмаслик.

Мазкур тамойиллар негизида педагоглар қуйидаги ахлоқий талабларга риоя қилиш тақазо этилади:

- фикр туғилганда руҳсат сўраб (қўл кўтариш орқали) сўзлаш;
- интизомга қатъий риоя қилиш (машғулотларга кеч қолмаслик, жамоада ўзини тутиш меъерларига амал қилиш; ўзгаларни тинглай олиш; муаммо доирасидагина сўзлаш (фикрнинг аниқлигига аҳамият бериш);

машғулотларда фаол иштирок этиш; ўзгаларга ёрдам бериш; таълимга нисбатан ижодий ёндашиш).

Мавжуд манбаларни ўрганиш асосида педагог ходимлар ўз фаолияти давомида машғулотларни ташкил этишни қуйидаги босқичлар асосида амалга ошириш тавсия этилди:

1. Мавзу моҳиятини туғри англаш.

2. Мавзу доирасида ҳал этилувчи муаммоларни аниқ кўра олиш, уларнинг ечимларини олдиндан тахминий башоратлаш имкониятига эга бўлиш.

3. Машғулот мавзусига таянган ҳолда етакчи ва хусусий мақсадларни аниқ белгилай олиш.

4. Ўқувчиларни танлаган стратегия бўйича туғри йуналтириш.

5. Улар учун керакли воситалар ҳамда маълумотлар базасини тавсия қилиш.

6. Ўрганилган муаммо ечимининг амалий аҳамиятини ташхислаш ва баҳолаш.

Тавсия қилинган босқичлар асосида иш кўриш педагогларни ўз фаолиятларини ташкиллаштиришда янги мавзуларга мурожаат қилишга ундайди. Айнан шу вазият ўқитувчиларни ўз устида ишлашга, ижодий ва мустақил фаолият юритишга сабаб бўлади.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислох қилишнинг асосий омилларидан бири "шахс манфаати ва таълим устуворлиги"дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Унинг асосий ташаббускори ва раҳнамоси бўлган мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан мазкур моделни педагогик жараёнда амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган "портлаш эффекти" натижалари рўй-рост кўрсатиб берилди, яъни у:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;

- инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;

- жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади;

- жамиятимизнинг ижобий потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;

- фуқаролик, эркин, демократик жамияти қурилишини таъминлайди, мазкур модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади .

"Портлаш эффекта" сари шижоат билан қадам ташлаш, йулларда учрайдиган "тўсик"ларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагог назариётчи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбияшунослик асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик "қурол" ва воситалар билан таъминлашни давр тақозо этади.

Педагогик технология - шундай билимлар соҳасики, улар воситасида учинчи минг йилликда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфикрлик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизими шакллантирилади.

Маълумотлилик асосида ётувчи бош ғоя ҳам табиат ва инсон ўзвийлигини англаб етадиган авторитар ва сохта тафаккур юритиш усулидан воз кечган, сабр-бардошли, қаноатли, ўзгалар фикрини ҳурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний қадриятлар каби шахсий сифатларни шакллантиришни кўзда тутган инсонпарварлик ҳисобланади. Бу масаланинг ечими қайсидир даражада таълимни технологиялаштириш билан боғлиқдир.

Дастлаб "технология" тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз

техникавий таракқиёт билан боғлиқ холда фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан - "технос" (techne) - санъат, махорат, хунар ва "логос" (logos) - фан сўзларидан ташкил топиб "хунар фани" маъносини англатади. Бироқ, бу ифода ҳам, замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Технологик жараён, ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган холда, операцияларнинг муайян кетма-кетликда бажарилишни кўзда тутди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, технологик жараён - бу меҳнат қуроллари билан меҳнат объектлари (ҳом ашё)га босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи машина)нинг фаолиятидир. Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига учирадиган бўлсак, яъни: Педагогик технология - бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахсий сифатларни шакллантириш жараёнидир.

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, педагогик технология тушунчасини изохлашда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда ҳам, бу тушунчага берилган таърифлар педагогик адабиётларда нихоятда кўпдир. Педагогик адабиётларда "технология" атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин: "ўқитиш технологияси", "таълимли технология", "маълумот технологияси", "ўқув жараёни технологияси" ва ҳоказо. ўқитиш технологияси педагогик технологияга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материални ўзлаштириш йулини муайян технология атрофида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир каторда туради.

Педагогик технология эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва "ўқитувчи - педагогик жараён ўқувчи (талаба)" функционал тизим қонуниятларига тегишли билимлар асосида курилади.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп холларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Шу боисдан бу тушунчаларга аниқлик киритиш керак

бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш буйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Педагогик технология эса ўқитувчининг касбий фаолиятни янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган

1.2. Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш, педагогик тизимни оптималлаштириш

Инновационлик педагогик жараёнини ифодалаб нафақат унга дидактик қурилмасига, балки педагогнинг ижтимоий, мохиятли натижалари ва рухий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Педагогнинг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ,. Унга педагогнинг тайинли мулоқоти, қарама-қарши фикрларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинishiни ўқитишга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида педагог ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзуга эга бўлади.

Педагог фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мотивлари аҳамият касб этади, бу эса педагог шахсининг креативлигининг фаоллигини шакллантириш имконини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шarti мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдан иборат. Мулоқотнинг янги вазияти - бу педагогнинг ўз мустақиллик мавқеини, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатини ярата олиш қобилиятидир. Бундай вазиятларда ўқитувчи педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали мукаммаллаштириб боради.

Ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб, хиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шarti - бу педагогнинг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Педагог ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шartидан биридир.

Инновацион фаолиятни қуйидаги асосий функциялар билан изохлаш мумкин.

- касбий фаолиятининг онгли тахдили,
- меёрларга нисбатан танқидий ёндашув,
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик,
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва инти - лишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Хозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида педагог инновацион фаолиятга бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

1. Ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгиланиш талаб қилади, янги янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишлардан иборат бўлади;

2. Таълим мазмунини инсонпаварлаштириш доимо ўқитишнинг янги танқидий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади;

3. Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни тадбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг характери ва ўзгариши.

Педагог инновацион фаолиятининг тахлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян шартлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меёрларга - янгилик - мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради.

Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни тахлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва тахлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолият тадқиқотлари педагогнинг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меёрларини белгилашга имкон бери (В.А. Сластинин).

Инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш;

Ижодий фаолиятга талаб қилинишига тайёргарлик;

Шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;

Инновацион фаолиятни ижро этиш технологиясига тайёргарлик даражаси.

Инновацион жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш

қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Демак, ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

Хозирги маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновацион фаолиятига бўлган талаблар қуйидагилар билан аниқланади:

- ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими методология ва ўқув жараёнининг технологиясини тубдан янгиланишни талаб қилади. Бу шароитда ўқитувчи инновацион фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

- таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, ўқитишнинг янги шакл - ларини, технологияларини қидиришни тақозо этади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг тахлили янгилик киритишнинг самарасини белгиловчи муайян меёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меёрларга янгилик, оптималлик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацион ижодий қўллаш имкониятлари киради. Янгилик педагогик янгилик меёри сифатида, ўзида таклиф қилинадиган янгилик, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагогик олимлар янгиликни қўллаш машхурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқладиган мутлоқ чегараланган мутлоқ шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиши учун сарфланган куч ва воситаларни билдиради. Натижалилик ўқитувчи воситасидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради. Педагогик янгилик эса ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим.

В.А.Сластинин ўтказган тадқиқотларга кўра ўқитувчининг инновацион фаолиятига ижобий тайёргарлигини аниқлаш қуйидаги имкониятларини вужудга келтиради:

- мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алохида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш;

- янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорини танлаб олиш, уларнинг энг ахамиятли ва аниқлик даражасини аниқлаш;

- янгиликни тадбиқ этишнинг муваффақиятлилиқ даражасини текшириш;

- янгиликни тадбиқ этадиган ташкилотнинг инновация қобилиятига баҳо бериш.

Бунда ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади, унда инновацион фаолиятининг самараси педагог шахсияти билан белгиланади.

Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари:

- шахснинг ижодий мотивацияни қўллаганлиги.

Бу қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш, ижодий ютуқлар, пешкадамликка ва ўз камолотига интилиш;

- креативлик, бу - ҳаёлий қараш; баҳо бера олиш қобилияти ва ўз камолотига интилиш;

- касбий фаолиятни баҳолаш, бу - ижодий фаолият методологияси ва педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси ва зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилиятлари; ижодий фаолиятига ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти;

- ўқитувчининг индивидуал қобилияти, бу - ижодий фаолият суръати ва иш қобилияти; қатъиятлик, масъулиятлик ва ҳалоллик, ўзини тута билиш;

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятига сезгирлиги меёрларини белгилашга имкон беради:

- инновацион фаолиятга бўлган заруратни аниқлаш;
- ижодий фаолиятга жалб қилишга тайёргарлик;
- шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
- ижодий муваффақиятсизликларни енгишга тайёрлик;
- инновацион фаолиятни касбий мустақилликка таъсири. Инновацион фаолиятни энг мухим масалалардан бири - ўқитувчи

шахси: у новатор, сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим.

Инновацион технологияларга асосланган фаолият мотивацион, технологиклик ва рефлексиялик қисмлардан ташкил топади.

Ўқитувчини бу фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширади: янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қилишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, функциялари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари ва бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида ташкил этиш имконини беради.

Педагогик тизимни оптималлаштириш кўп имкониятлардан энг яхши вариантни танлаш жараёни билан боғлиқ бўлади.

Мураккаб, динамик, кўп қиррали педагогик тизимда кўришнинг, ўтишнинг ва ўқув тарбиявий фаолиятнинг мўлжалланган мақсадларига эришишда кўплаб имкониятлар мавжуд. Булардан биргинаси энг яхши бўлиши мумкин. Буни излаб топиш - оптималлаштиришнинг бош масаласи ҳисобланади. Унинг мумкин бўлган вариантларини солиштириш ва энг мақбулини аниқлашдан иборат. Бу ҳолда албатта педагогик тизимнинг қандай параметрини оптималлаштиришга қўйилган мақсадга мувофиқдиги излаб топилиши зарур.


Ю.К. Бабанский буйича оптималлаштириш тамойили ўқув жараёнига

онглилик, рационаллик чегаранинг билинишига қуйидаги талабларини қўяди. Унингча ўқитиш жараёни қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

а) мазмуни, тўзулиши, мантикий шаклланиши, ўқитиш, тарбиялаш ва талабаларнинг ривожланиши давлат стандартлари талабига жавоб бериши;

б) қўйилган мақсадларга эришиш вақтининг ортмаслигини таъминлайди, ўқитувчилар ва талабаларнинг уй вазифалари максимал вақт нормаларидан ортмаслиги.

Оптималлаштириш қуйидаги усуллар тизими ёрдамида амалга оширилади.



1- раем. Оптималлаштиришда усуллар тизими.

Оптималлаштиришнинг методологик асоси ўқув-тарбиявий ишларга тизимли ёндашувдан иборат. Педагогик тизимга оптималлаштиришнинг методологик асосига қуйиладиган талаблар:

1. Оптималлаштиришга барча тизимнинг тўла қамраб олиниши;
2. Оптималлашдаги барча тизим компонентларини кетма-кет ҳисобга олиш имконияти.

Юқоридаги масалали ва ривожланган технологияни доимий оқибатурувчи инновация жараёни қилишини оптималлаш ва уни ҳисобга олиш

(қараб чиқиш).

Аслида оптималлаштириш аниқ критериялар асосида ўқитилганлик, тарбияланганлик, талабаларнинг ривожланганлик даражаси орқали аниқланади. Юқоридагиларни таъминлаш учун қуйидаги ўқув-тарбиявий жараёни оптималлаштириш усуллари ишлатилади.

1. Педагогик тизимнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда масалаларни конкретлаштириш .
2. Ўқув-тарбиявий жараён мазмунининг оптимал вариантыни танлаш.
3. Ўқув-тарбиявий жараёнинг қўйилган мақсадларни муваффақиятли ечишга зарур бўлган методларини танлаш.
4. Кучли, кучсиз ва барча тарбияланувчилар учун дифференциал ва шахсийликни амалга ошириш.
5. Ўқув-тарбиявий жараён ва вақтнинг сарфи бўйича натижаларни ўрнатилган оптимал критериялар бўйича тахлилини ўтказиш. Шундай қилиб, ўқув-тарбиявий жараёнинг оптималлашуви бўйича асосий педагогик ҳаракатлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
 - масалаларни конкретлаш ва комплекслаш;
 - асосийларини ажратиш;
 - предметлар ва йуналишлараро координациялаш;
 - вариантларни уларнинг тахлили бўйича танлаш;
 - инсонийлаштириш;
 - зарурий шароитларни яратиш;
 - бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни қўшиб олиб бориш;
 - ўрнатилган критериялар бўйича жараёни баҳолаш.

Демак ўқув-тарбиявий жараёни оптималлаштириш учун ўқитувчилар асосий педагогик билимларга эга бўлиши, педагогиканинг асосий қонуниятларини ва тамойилларини билишлари зарур. Улар таълим мазмунини билган ҳолда, коллектив, гуруҳли ва шахсий фаолият технологияларини ҳам билишлари зарур. Бунда барча тизимни тўлалигича ва

хар бир унинг элементини алохида билган холда педагогик жараённинг оптимал вариантини танлаши зарур. Акс холда оптималлаштириш асосига путур етказиш мумкин. Бундан қутилишнинг бирдан-бир йўли оптималлаштиришни амалга оширишдан аввал педагогиканинг меёрий элементларини, асосларини чуқур ўзлаштирилиши лозим.

Оптималлаштирув усули илғор ўқитувчилар тажрибасига суянади. Шу билан бирга у педагогик жараённинг самарадорлигини оширишдаги сифат жихатидан янги ва тўла тизим ўлчовидан иборат.

Изланишлар кўрсатадики, ўқув-тарбиявий жараёни муваффақиятли оптималлаштирувчи ўқитувчилар қуйидаги шахсий сифат кўрсаткичларига эга бўладилар:

- илмий яратувчанликдаги фикрлаш қобилиятига;
- фикрлашнинг кўп қирралигига;
- фикрлашнинг аниқлигига;
- асосийни ажратишдаги тизимли фикрлашга;
- ҳаракатлар ва ҳулосалар қилишда аниқликни сезишга;
- мулоқотда таъсирчанлик ва тактни сезувчи.

Инновацион жараёндаги оптималлаштиришни йўлга қуйиш учун қуйидагилар талаб қилинади:

- Каттагина инвестицияга эга бўлиш;
- Хошиш, илғорлик, яхшилашнинг келажаги;
- Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг розилиги;
- Раҳбарият томонидан тазйиқ.

Инновацион жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёни замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

. Ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён

бўлади.

Таълим жараёнини оптималлаштириш учун ўқитувчилар асосий педагогик билимларга эга бўлиши, педагогиканинг асосий қонуниятларини ва тамойилларини билишлари зарур. Улар таълим мазмунини билган ҳолда, жамоавий, гуруҳли ва шахсий фаолият технологияларини ҳам билишлари зарур. Бунда барча тизимни тўлалигича ва ҳар бир унинг элементини алоҳида билган ҳолда педагогик жараённинг оптимал вариантини танлаши зарур бўлади.

II-БОБ “ЭТНОПЕДАГОГИКА” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.

2.1. “Этнопедагогика” фанини ўқитиш жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш услублари.

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи - олдида маълум бир мақсад қўйиб, сўнг унга томон ҳаракат қилишидадир. Киши мақсади сари қиладиган ҳаракати (фаолияти) жараёнида муайян табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф этиш учун у бир қатор тадбир ва чоралардан фойдаланади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуини усул дейилади.

Мақсадга етишда бир неча, гоҳо ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгиб ўтиш усуллари маълум бир тизимда қўлланилади. Мақсадга етишда қўлланиладиган усуллар тизимини услуб (йул) дейилади.

Усулларнинг маълум бир услубда қўлланиш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми муайян мақсад кўрсаткичларига буйсундирилади. Ундан ташқари, киши мақсадга етиш жараёнида бир қатор қонуниятларга ҳам тамойил сифатида амал қилади.

Киши мақсад сари қилган ҳаракатида унинг учун тамойил вазифасини бажарувчи мақсад кўрсаткичлари билан ҳаракати давомида амал қилиниши шарт бўлган қонуниятлар мажмуига методология дейилади. Ҳар бир шахсни, ижтимоий гуруҳни ва бутун жамиятни энг умумий ва хусусий мақсадлари бўлади, инчунин уларнинг энг умумий, умумий ва хусусий методологик асослари мавжуд.

Хар бир сохада мавжуд мақсад кўрсаткичлари билан фақат шу сохада ҳукм сурувчи қонуниятлар шу сохада фаолият кўрсаткичлари учун умумий методологик асос ҳисобланади.

Дарс жараёнида халқ педагогикасидан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминловчи қуйидаги шарт-шароитларга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

1. Дарсда фойдаланиш учун халқ педагогикаси тажрибасидан уқув материални танлаб олиш аниқ курсаткичларда ўз ифодасини топган мезонлар негизида амалга оширилиши зарур.

Бизнинг тадқиқот ишларимиз таълим жараёни учун халқ педагогикасидан материал танлаб олишнинг қуйидаги мезонларини белгилаш имконини берди: а) материалнинг миллий таълим-тарбиянинг умумий мақсадларига ҳамда уқув предмети дастури талабларига тула мослиги; б) замонавий илмий билимларни ва таълим мазмунининг бошқа таркибий қисмларини ўзлаштириш учун аҳамиятли эканлиги ва унга ёрдам бериш; в) халқ тажрибасидан олинган материалнинг ҳозирги шароитлар учун амалий жиҳатдан аҳамиятлилиги; г) уқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтиришга, уларнинг умумтаълим фанлари бўйича билимлари даражасини ривожлантиришга, ўқишга, ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган ихлосларини шакллантиришга мос қилиши; д) мазкур жиҳатнинг уқувчилар ўзлаштириши учун қулайлиги ва тушунарлилиги; е) материалнинг табақилантирилган ўқитишга имкон бериши; ж) маҳаллий ҳужалик, маданий эдтиёжларига йўналтирилганлиги.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, халқ; педагогикасидан олинган дарс материаллари, албатта, уқув предметининг дастурда белгиланган мазмунига тегишли ўзгаришлар киритмасдан, унинг мазмунига зиён етказмаган ҳолда жорий этилади.

2. Қўлланиладиган халқ таълимий воситалари дарснинг ҳар бир босқичида ҳал этилаётган дидактик вазифаларга, уқувчиларда шакллантирилаётган билимлар, қўникмалар ва малакаларнинг хусусиятига мос қилиши лозим.

Бу педагогик талаб бевосита даре жараёнида халк педагогика- сидан олинган уқитиш шакллари, усуллари ва воситаларидан уринли фойдаланишни назарда тутди. Халк педагогикасидан олинган Уқитиш усуллари — суҳбат, хикоя, тасвирлаш, тушунтириш, уқиб бериш, меҳнат вазифаларини бажариш, турли миллий уйинлар ва уйинчоклардан фойдаланиш кабилар даре жараёнининг барча боскичларида мақсадга мувофиқ, кулланилиши керак. Масалан, таянч билимларни долзарблаштириш, янги укув материални баён қилиш, укувчиларнинг фаол укув-билув фаолиятини ташкил этиш, янги билимларни муштамлаш, малакалар ва қуникмаларни шакллантириш ҳамда укувчилар билимларини баҳолаш бос- қишларида халк педагогикасининг таълимий воситаларига муво- жаат қилиш мумкин. Бироқ кулланиладиган халк, таълимий воси- талари дарсини, айти бугунда, этилаётган асосий дидактик вазифага тугри қилиши, унга бўйсунуши лозим.

3. Дарсда миллий кадриятларни уқлаштириш укув ва синфдан ташқари машгулотларда укувчиларни халк, педагогикаси тажрибасини урганишга боғлиқ фаолият турларига жалб қилиш билан биргаликда олиб борилиши керак.

Бу педагогик шарт халк, педагогикаси тажрибасини фао- лиятли ёндашувга амал қилган ҳолда, таълимнинг тушунар- лилиги принципига таяниб замонавий укув-тарбия жараёнига тадбиқ қилишни назарда тутди. Шунингдек, мазкур педагогик талаб миллий кадриятларни уқлаштириш укувчининг дарсдаги ва дарсдан ташқаридаги бутун фаолиятини қимраб олишини, бу ишда узаро алоқадорлик ва изчиллик зарурлигини уқтириб утади. Таълим жараёнида халк, педагогикаси воситаларидан фойдаланиш укувчиларнинг укув-билув, ижтимоий фойдали ва махсулдор меҳнат, уйин ва спорт-соғломлаштириш, бадиий-эстетик фаолиятида йулга қуйилиши лозим. Халк педагогик маданиятининг илгор намуналаридан фойдаланиш комплекс равишда амалга оширилиши зарур.

4. Халк дидактик гојлари ва тажрибасининг тарбиявий вазифаларини руёбга чиқариш ҳисобига уқувчиларнинг миллий узлигини англашини ривожлантириш, миллий кадриятларни урганишга эҳтиёж ва заруриятни шакллантириш, ҳулк-атворнинг миллий андозаларини таркиб топтириш.

Уқувчиларда миллий онг ва миллий маданиятни таркиб топтириш аждодлар қолдирган маданий меросни ижодий равишда ушлаштириш эвазига амалга оширилади. Ҳар бир халқага хос миллий маданият анъаналари, дунёни бадиий ҳис қилишнинг узига хосликларини ифода этиш шакли сифатида миллий узлигини англашнинг соҳибби (тарқатувчиси) вазифасини бажаради.

Уқувчиларнинг миллий уз-узини англашни ривожлантириш дарсида халқ педагогикаси воситаларидан фойдаланишнинг асосий вазифаларидан бири бўлибгина қолмасдан, балки унинг самарадорлик шарти ҳамдир. Таълим жараёнида миллий кидриятларни ташкилий равишда ушлаштириш эвазига уқувчиларнинг миллий узлигини англаши таркиб топади. Миллий узлигини ангаши эса, уз навбатида уқувчиларда миллий кидриятларни фаол ҳолда ушлаштиришга эҳтиёж ва зарурат ҳосил қилади. Уқувчи ёшларнинг она тилига ва давлат тилига бўлган муносабатларининг тубдан ўзгариши, уларни муқаммал эгаллаб олишга бўлган эҳтиёжларининг ортиши ҳам қўшма ҳисобдан миллий узлигини англашга боғлиқ. Шунингдек, уқувчиларда ҳулк-атворнинг этник стереотипларини шакллантиришида ҳам ҳулк дидактик тажрибаси яхши натижа беради.

5. Уқитувчининг дарси жараёнида халқ педагогикаси воситаларидан фойдаланишга назарий ва услубий ҳисобдан тайёрлиги — таълимда педагогик маданият намуналаридан самарали фойдаланишнинг муҳим шартидир. Миллий мактаб уқитувчиси халқ, турмуши, маданияти, тили, урф-одатлари ва анъаналари, санъатнинг билимдони бўлиши, биринчи навбатда, ўзи онг ва ҳулк-атвор маданиятини намоён қилиши керак. Халқ педагогикасининг миллий мактабдаги ўрни ва аҳамияти, умумназарий ва услубий муаммолари, таълим ватарбия жараёнларида халқ педаго-

гикасидан илмий асосда фойдаланиш каби масалаларга доир чу- кур ҳамда атрофлича билимга эга булмаган уқитувчи уқув-тарбия жараёнида халқ, тажрибасидан унумли фойдалана олмайди.

Таълим жараёнида “Этнопедагогика” воситаларидан илмий асосда фойдаланиш юқорида келтириб ўтилган педагогик шарт-шароитларни биргаликда амалга оширишни талаб қилади. Халқ педагогикасидан фойдаланиш бирдан-бир тўхтам бўлиб қолмаслиги, балки у ҳар бир ўқув предмети бўйича ўқувчиларнинг таълим улчовлари даражасидаги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришларига ёрдам бериши муҳимдир. Айни чоғда, миллий таълим-тарбия вазифаларини амалга ошириш ҳам халқ педагогик маданиятидан илмий асосда фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир.

Одамлар фаолият кўрсатиш жараёнида ўз ишларини энг умумий, умумий ва хусусий методологиялардан бирдай келиб чиққан ҳолда амалга оширадилар. Акс ҳолда қилган ҳаракатлари зое кетади.

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи - унинг ўз олдига мақсад қўйиб, мақсад сари ҳаракат қилишидир, деб таъкидладик. Табиий савол туғилади. Бу мақсадлар қаёқдан пайдо бўлади? Жавоб: ҳар қандай мақсад алоҳида бир шахс, ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг эҳтиёжидан келиб чиқади.

Инсон биологик ижтимоий мавжудот бўлганлигидан, унинг биологик эҳтиёжи баробарида ижтимоий эҳтиёжи ҳам мавжуд.

Ижтимоий эҳтиёжга кишининг ижтимоий тараққиёти натижасида вужудга келадиган фикр юритиш, фикр алмашиш, билим олиш, меҳнат қилиш, завқланиш, севиш ва севилиш каби эҳтиёжлар киради.

Эҳтиёжни қондириш устида маълум вақт фикр-мулоҳаза юритилгандан кейин эҳтиёж ё инкор қилиниб бостирилади, ёки унга етишиш мақсад қилиб қўйилади.

Мақсад ва унинг кўрсаткичлари аниқ бўлганидан кейин, унга етишиш усуллари тизими излаб топилади ва ҳаракат бошланади. Шундан мақсад кўрсаткичлари билан ҳаракат пайтида ўз мавжудлигини намоён қилувчи

қонуниятлар йиғиндиси ушбу фаолиятнинг методологик асосини, яъни амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар мажмуини ташкил қилади.

Хар қандай жамиятнинг энг умумий мақсади бўлади. Уни миллий ғоя дейилади. Ўзбекистон Республикаси халқларининг асосий мақсади ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш ҳамда одил фуқаролик жамиятини шакллантиришдир.

Бундай давлат ва жамият сифатларини ифода этувчи кўрсаткичлар бўлади. Улар фалсафанинг энг умумий қонунлари билан биргаликда жамият аъзоларининг барча фаолиятига, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасидагиларга ҳам, энг умумий методологик асос вазифасини бажаради.

Педагогик жараёнининг умумий методологияси соҳа олдига қўйган мақсад кўрсаткичлари билан дидактиканинг умумий тамойилларидир. Педагогика соҳасининг эса умумий мақсади жамиятнинг энг умумий мақсади, яъни ғоясидан келиб чиқиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маъориф соҳасининг умумий мақсади ҳуқуқий демократик давлат ҳамда одил фуқаролик жамиятининг талабларига жавоб берувчи кишиларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Ўзбекистонда муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эркин, маърифатли ва демократик давлат фуқаролари қуйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак:

- *Ақлли* - мустақил фикр юрита оладиган;
- *Одобли* - миллатимиз тўплаган барча ғазилатларга эга;
- *Меҳнатсевар* - меҳнат кишининг ижтимоий эҳтиёжига айланганлиги;
- *Билимли* - диний, дунёвий ва фазовий билимларни қўл ва қўлқўр эгаллаб олиб, уларни ҳётда қўллай олиши;
- *Соғлом* - жисмоний, рухий ва ижтимоий саломат;
- *Миллий ғурурга эга* - аجدодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан ғахрланувчи ва уларни бойитишга ҳисса қўшувчи;

- **Ватанпарвар** - Ватан учун, халў учун фидокорона меҳнат қилувчи, уларни муҳофаза қила оловчи ва зарур бўлса улар учун жонини қурбон қилувчи;
- **Инсонпарвар** - инсон зотиға фақат яхшиликлар уловчи ва улар учун эзгу ишлар қилувчи;
- **Жасур ва шижоатли**- ҳар бир ишға мардона киришиб, уни шижоат билан охириға етказувчи. Бу унта ижтимоий сифат жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан давлат буюртмаси бўлиб, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсон улардан умумий методологик асос сифатида фойдаланиши керак. Бу умумсоҳавий методологиянинг биринчи қисми ҳисобланади.

Умумий методологиянинг иккинчи қисмини ҳамма ўқитувчи (педагог) ларға яхши таниш бўлган дидактика тамойиллари ташкил қилади. Уларға:

- таълим-тарбия жараёнида таълим оловчи диққатини берилаётган билимға қаратиб, уни жараён охиригача сақлаб туриш;
- ҳар бир билимни илмий асослаб бериш;
- билим беришда талабанинг имконияти ва ёш хусусиятидан келиб чиқиш;
- билим беришда мумкин қадар кўпроқ кўргазмали воситалардан фойдаланиш;
- билим беришда мунтазамлилик билан қўшиб олиб бориш;
- таълим ва тарбия жараёнида талабаларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш;
- таълим ва тарбиянинг тизимли, изчил бўлиши ва бирлиги тамойиллари киради.

Ҳар бир фаолиятнинг энг умумий методологик асослари билан бир қаторда хусусий методологияси ҳам мавжуд. Бизнинг мисолда, бу муайян ўқув предмети, муайян мавзу ва муайян дарсларни ўтишда кутилган мақсад кўрсаткичлари билан педагогик технологиянинг беш тамойиллари ҳисобланади.

Ўқув жараёни билан қўлланувчи ҳар бир ўқитувчи (педагог)

тарбиячи ва бошқалар ушбу методогик асосларга бирдай амал қилиши шарт. Фақат шундагина улар кутилган натижага эришиши мумкин.

Республикамиз мустакилликни кулга киритгандан сунг утган даврда мамлакатимиз келажаги булган ёш авлодни тарбиялаб етиштириш энг долзарб муаммолардан бири булиб келмокда. Бу борада утган даврда жуда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, Халк таълими тизимини миллийлаштириш, уни инсонпарварлаштириш, халкчиллаштириш асосида республикамиз халк таълими тизимини кайта куриш, миллий укув муассасасилар барпо килиш борасида катта ишлар амалга оширилмокда.

Бу ишларни амалга оширишда Узбек халк педагогикаси етакчи урин тутади. Маълумки, халк педагогикаси деганда халк огзаки ижодиётининг барча жанрларида акс эттирилган тарбия борасидаги карашлар, гоё, урф-одатлар, расм хамда анъаналар йигиндиси тушунилади. Демак, булардан куринадики халк педагогикасининг асосий манбаи фольклор хисобланади. Халк педагогикасининг камрови кенг булиб, у муайян халк тарихи, фалсафаси, психологияси, этнографияси ва халк табобатидан ташкил топган булади. Фольклор халк педагогикасини, яъни халк оммасининг - тарбия борасидаги карашлар, гоё, урф-одатлари, анъаналар йигиндисидан иборатдир. Булардан ташкари фольклор тарбияни амалга оширишда кулланилиб келган усул, восита, куникма ва малакалар йигиндисини хам ифодалайди.

Тарбияланувчи тарбияси борасидаги анъаналар Узбек классик адабиётида уз аксини топган. Масалан, IХ-ХИ аср алломаларидан Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рушнома”, Юсуф Хос Хожибнинг “кутадгу билиг”, Махмуд Кошгарийнинг “Девону луготит турк”, Ахмад Югнакийнинг “Хибатул хакойик”, Кайковуснинг “кобуснома” каби асарларида педагогик гоёлар кенг урин олган булиб, халк огзаки ижоди кадим замонлардан буён жахон халкларининг, жумладан Узбек халк педагогикасининг тарбия воситаси булиб келган ва хозирги кунда хам уз кийматини йукотмаган. Халк педагогикасининг

таркибий кисми куйидагича; аклий, ахлокий, жисмоний, меҳнат ва нафосат тарбияси. Ўзбек халқ педагогикаси миллий тарбияни амалга ошириш усул ва воситалари, ёшларни дастлабки оилавий одоб қоидаларига одатланириш ва уни амалга ошириш йуллари, ёшларни дастлабки оилавий дастёрлик меҳнатига одатланириш, уни амалга оширишда фойдаланиладиган усул ва воситаларни ўз ичига қамраб олади. Юқоридагиларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодида акс этган бўлиб, булар заминда илмий педагогика шаклландир. (З. Жумаев “ Ўзбек халқ тарихий ривоятлари” номзодлик диссертацияси. Т. 2005 й.)

Илмий педагогиканинг асосий мақсади ва вазифаси ҳар томонлама барқамол авлодни тарбиялаб етиштиришга қаратилган бўлади. Ҳар томонлама барқамоллик ёшларни аклий, жисмоний, ахлокий, меҳнат ва нафосат жиҳатдан етуклигини ўз ичига олади. Шундай экан, халқ педагогикаси илмий педагогика билан ҳамбарчас боғлиқдир.

2.2. «Этнопедагогика» предметини ўқитишнинг янги тамойил ва методлари.

Ўтмиш маданий меросимизни урганиш факат илмий жихатдан катта аҳамият касб этибгина колмай, айна пайтда, у аждодларимиз яратган буюк маънавий хазинадан бахраманд булишда, ижтимоий муаммоларни хал этишда ва инсоннинг баркамол булиб шаклланишида мухим омил хисобланади. Шу нуктаи назардан караганда «Ўзбекистон тарихи » фанини таълим муассасаларида уқитиш жараёнида маданий меросимизни чукур ва пухта урганишни таъминлаш комил инсонни вояга етказишнинг ишончли кафолатидир.

Олий ўқув юртларининг «Этнопедагогика» фанидан барча бакалавр йўналишлари учун амалдаги ўқув дастурларининг деярли хамма мавзуларида тарбия масалаларини ўрганиш кўзда тутилган. Машгулотлар жараёнида тарбиявий ҳаёт масалаларини ёритишда айникса, кўрсатмали усулдан фойдаланиш дарс самарадорлигининг оширишда мухим аҳамият касб этади.

Таълимда, асосан, иллюстрация усули – плакатлар, харита, чизмалар, тарихий мазмундаги расмлар, фотосуратлар, жадваллар, музей экспонати намуналари ва хоказоларни уз ичига олса, намоиш этиш усулларига асл холидаги табиий объектларни курсатиш, дарс жараёнида техник намоиш, яъни компьютер ва ахборот коммуникация тармоклари ёрдамида компакт дискда электрон китоблардаги мавзуларни ёритиш, мавзуга оид кино хамда диафильмлар, аудио ва видеоматериаллар киради.

XX аср кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва

техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жихатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоии муносабатларнинг янгича мазмунини амалга оширишни таъминлади. Хизмат кўрсатиш сохаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида замин этувчи фаолиятнинг йулга қуйилишини такозо этди. Ижтимоии зарурат махсули бўлган технология соҳаси ва жисмоний куч сарфланган ҳолда юксак сифатли махсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Моддий ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш соҳалари (хусусан, қишлоқ хўжалиги саноат, транспорт маиший хизмат кўрсатиш ва Х.к.) да ёндашув аъъанаси юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнига технологик ёндашув ушбу жараённинг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади, яъни муайян махсулотни ишлаб чиқариш мақеадида ҳом ашёни танлаш (дастлабки босқич) дан махсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сунги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислохотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш ва уларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида ташкил этилди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг қўлланиш шартларидан бири - малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришни йўлга қўйиш эканидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан ўзвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамоиили асосида ривожланиб боради.

Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида иқтисодий усиш аҳрлимаданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш,

унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ўта катъий ҳамда мураккаб талаблар асосида йўлга қўйиш зарурати кун тартибига қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёни моҳиятини тўлақонли англай олган, фавқулотда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олиш салоҳиятига эга бўлган малакали мутахассисни тайёрлаш зарурияти таълим жараёни ҳам технологик ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан ўзвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси номоён бўлмоқда.

Айни вақтда республика ижтимоий ҳаётига кенг кўламли ва шиддатли тезликдаги ахборотлар оқими кириб келмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш эҳтиёжи юзага келди. Ушбу эҳтиёжни қондириш ишлаб чиқариш соҳалари томонидан турли мутахассислик ёки иқтисослик бўйича касбий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш ишига масъул саналган таълим муассасаларига ижтимоий буюртма бериш ҳамда мазкур буюртманинг сифатли бажарилиши асосида ҳал этилади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган таълим муассасалари зиммасига эркин, мустақил фикр юрита оладиган тафаккури ва дунё қараши

кенг, билимли, шунингдек, мутахассислиги буйича чуқур билим, юксак малакага эга бўлган кадрлар (мутахассислар)ни тайёрлаб беришдек маъсулиятли ижтимоий вазифа юкланган.

Ишлаб чиқариш соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш борасидаги ижтимоий буюртма моҳияти ўз-ўзидан таълим-тарбия тизимига тааллуқли. Ушбу тизим доирасида фаолият кўрсатувчи таълим муассасаларининг фаолияти мазмуни тубдан ёки қисман ўзгаради.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълимий ислохотлар ҳамда кадрлар тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртма моҳиятига кўра, 1997 йил 29 августда олий мажлиснинг IX-сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ўзлуксиз таълим тизими яратилиб, аниқ вазифаларни бажарувчи босқичлар белгиланди. Шунингдек, янги турдаги таълим муассасалари фаолият юрита бошлади.

Ўзлуксиз таълим тизимининг шаклланиши ўз ўзидан кадрлар тайёрлаш жараёнининг янгича мазмун касб этишини таъминлайди. Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашга йуналтирилган ўзлуксиз таълим (шу жумладан, тарбия) жараёнининг янги мазмуни мазкур жараёнга илм фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ғоя, кашфиёт ва ютуқларнинг тадбиқ этилиши. Ушбу жараёнда демократик, инсонпарварлик тамойилларининг устувор ўрин тутиши, таълим ва тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш (яъни, таълим-тарбия жараёнининг асосий субъектларидан бири бўлган талаба таълим олувчи шахснинг ҳурмат қилиниши. Унинг шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари дахлсизлигининг таъминланиши), таълим олувчи (талаба) нинг педагогик жараёндаги фаол иштирокини юзага келтириш учун муайян шарт шароитларни яратиш, уларнинг хоҳиш-истаклари билан ўртоқлашиш, шахсий ташаббусларни қўллаб қувватлаш, уларда мустақил фикр юритиш лаёқатини тарбиялаш, бу борада муайян кўникма ҳосил қилиш, ҳосил қилинган кўникманинг фаолият малакасига айланишга рағбат билдириш,

ўқув (манбаалари ва кўргазмали воситалар) мазмунида юқорида қайд этилган ғояларнинг ўрин олишига эришиш, таълим оловчиларда билим олишга нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш, рағбатни юзага келтириш, шунингдек, онгли муносабатни қарор топтириш ва хоказолар асосида яратилади.

Янгича мазмун касб этган кадрлар тайёрлаш жараёни барқамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш даражаси ва сифат кўрсаткичининг юқори бўлишини қамолатлайди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ишлаб чиқариш маҳсулотларига нисбатан аҳоли томонидан билдирилаётган талаб ва таклиф асосида тартибга солинар экан, муайян йўналиш бўйича малакавий (касбий) маълумотига эга мутахассиснинг ижтимоий рақобатга бардошлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ хўжалигининг рақобатбардош мутахассислари билан таъминланиши ўзлуксиз таълим тизимида ташкил этилган педагогик фаолиятининг самарали, муваффақиятли эканлигини кўрсатувчи далил ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш соҳаларининг барқамол шахс ва малакали мутахассис билан таъминланиши ижтимоий ҳаракатни юзага келтирувчи восита, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омилдир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ижтимоий буюртманинг бажарилиши сифат кўрсаткичи малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига нисбатан технологик ёндашув ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашга олиб келади. Шу боис сўнгги беш йиллар мобайнида таълим тизимида янги инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш масаласига республика миқёсида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Таълим муассасаларининг фаолият жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш бир қатор шартларга мувофиқ амалга оширилади. Хусусан, булажак педагогик фаолиятни ташкил этаётган ўқитувчиларни янги педагогик технологиянинг моҳиятини очиб берувчи назарий маълумотлардан хабардор этиш;

- булажак ёки фаолият олиб бораётган (педагог) ларни янги педагогик технология ҳамда унинг мохияти хусусида тулакрнли маълумот бера олиш имконига эга бўлган ўқув манбаалари (ўқув дарслиги, кулланма, методик тавсиянома, шунингдек, муайян ўқув фанлари бўйича машғулот лойихалари ва х.к.) билан етарли даражада таъминлаш;

- таълим муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни қўллаш борасида тупланган етакчи хорижий мамлакатлар, шу жумладан маҳаллий педагогларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш;

- булажак ёки педагогик фаолият олиб бораётган таълим жараёнидаги янги педагогик технология назарияси ғояларидан самарали, ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш кўникмасини хосил қилиш, ушбу кўникмани амалий фаолият малакасига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш (чунончи, назарий ва амалий конференция, семинар ҳамда давра суҳбатлари, махсус ўқув курсларини ташкил этиш, педагог ходимларнинг ривожланган мамлакатда тажриба орттиришларини йулга қуйиш ва х.к.)-

Юқорида билдирилган фикр мулохазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустахкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий махоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақрзоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қуйилмоқда.

2. Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳдтдан ўзгаришини таъминлайди.

3. Инновацион технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараён и баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат курсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4. Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб

чикдриш жараёнидаги фаолиятлари хдмда уларнинг самараси ижтимоий таракдиётнинг жадаллашишига олиб келади.

Булардан ташкари куйидаги фаоллаштириш шакл ва методларидан фойдаланишни тавсия этади:

"Фаоллаштириш шакллари: диалогик маъруза, семинар, лаборатория-амалий машғулотлари, ишчанлик уйинлари, кучма машғулотлар, стажировка, суҳбат, маслаҳат, илмий-амалий конференциялар, учрашувлар, ёзма ишлар.

Фаоллаштириш методлари: суҳбат, машқ, ролли уйин, адабиётлар билан мустақил ишлаш, ижодий мунозаралар, муаммоли, дастурли таълим элементларидан фойдаланиш, тажриба алмашиш ва бошқалар"

Ўз устида ишлаш, фан асослари бўйича маърузалар тинглаш, амалий машғулотлар ўтказиш ҳам методлар сирасига киради. Худди шунингдек, мутахассисларнинг ўз устида ишлаш, туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида ташкил қилинадиган тадбирлар (семинар, илмий-амалий конференция, стажировка, маслаҳат, учрашувлар), таълим олиш жараёнлари камраб олади.

Ўқув жараёнида касбий махоратларини бойитишда таълим воситалари ва методларининг тугри танланиши жараённинг самарали кечишини таъминлайди.

Ўқитиш воситаларини техник, табиий-тасвирий кургазма воситалари ва ахборот технологияларидан ташкил топади. Ўқитиш методлари сифатида эса оғзаки, амалий, кургазмали, муаммоли-изланиш, мустақил иш, таҳеил олишни рағбатлантириш ва асослаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш қабиларни келтириш мумкин. Инновацион технологиялар дидактик уйинлар, муаммоли таълим, модулли таълим, хдмкорликда ўқитиш ва лоийхалаш технологияларидан иборатдир.

Педагогик фаолиятда янгиликка интилишни кучайтириш учун уларда ўз-ўзига баҳо бериш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим рол уйнайди.

Педагоглар ўқув жараёнида муаммоли таълим, дастурий таълим, модули таълими, ривожлантирувчи таълим, уйин технологиялари ва интерфаол

таълим каби технологияларидан фойдаланади.

Таълимда ўқув машғулоти асосан қуйидаги шаклларда ёритилади: семинар, давра суҳбат, мунозара, савол-жавоб, баҳс-мунозара, маслаҳат ҳамда тренинг.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида маъруза матнларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларда маъруза матни баён қилиниши билан бирга муаммо юзасидан савол ва топшириқлар берилади. Маъруза матнида схема, диаграммалардан ташқари, билим, қўникма ва мал акал ар доираси курсатилиши лозим. Ж.Г.Иулдошев қуйидагича таъкидлайди: "...маъруза матнида мустақиллик йилларида чоп этилган дарслик, қўланма ва бошқад адабиётлардан ташқари, чет эл адабиётлари, инновация, илғор иш тажрибаси, Интернет материалларининг ёритилиши, шунингдек, фойдаланиш учун адабиётлар рўйхатининг тавсия қилиниши мақсадга мувофиқдир..."

Таълим жараёнида педагоглар машғулотларни ташкил этишда минн маъруза, ўқув-мунозара, ишчанлик уйинлари, ролли уйин, рефлексия, шунингдек, таълимий фаолликни юзага келтирувчи методлардан самарали фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Маъруза методига асосланувчи машғулотларни ташкил этишда Қуйидагича иш қўрилди: ўқитувчи ўз маърузасини бир неча муҳим бўлимларга бўлиб, ҳар 15-20 дақиқадан кейин қисқа муддатга тўхталиш қилади. Мавзуга оид долзарб айрим муаммолар хусусида саволлар бериб боради. Ўрганилаётган муаммо юзасидан фикр билдириш учун ўқувчиларга имкон беради. Суҳбат чоғида барча ўқувчиларнинг фаол иштирок этишлари учун шароит яратилади. 3-5 дақиқа мунозара ташкил этилиб, ўқувчиларнинг фаолликлари ортганига ишонч ҳосил қилинганч, маъруза давом эттирилади. Бундай ёндашув ўқувчиларда қизиқишни юзага келтиради. Маъруза давомида мавзунинг секин-аста педагог ходимлар иш фаолияти билан боғланиши эса машғулотларнинг янада самарали кечишини таъминлайди.

“Этнопедагогика” фанини ўтиш жараёнида қўлланиладиган усуллардан

яна бири таълимни индивидуаллаштиришдир. Бундай таълим ўқитиш шакли, ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг модели бўлиб, у қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ҳар бир иштирокчи билан индивидуал иш олиб борилади.

2. Ҳар бир иштирокчи ўз қизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда машғулотдан олдин тайёрланган махсус пакетларга эга бўлади (пакетларда ўқув мавзуй режа, дастур, ижодий малака иши мавзулари ҳамда амалиётчи-психологлар танишиб келишлари лозим бўлган адабиётлар рўйхати мавжуд бўлади).

Бу тарзда индивидуал таълимни ташкил этишнинг афзаллиги ўқувчиларни таълим тезкор мослаштириш имкониятини бериши билан тавсифланади.

Пакетлар асосида ўқув жараёнида машғулотларга тайёргарлик қуриш ўзининг айрим жihatлари билан масофали таълимга ухшаб кетади. Бирок, масофали таълим ўз ташкилий шаклларига эга. Д.М.Сайфуров масофавий таълим моҳиятини ёритар экан қуйидагиларни уктириб утади: "... ўз ичига ўқув ва ёрдамчи ўқув хоналари, лаборатория жихрзлари, ўқитишнинг техник воситалари, дарсликлар, ўқув кулланмалар ва бошқа ўқув-услугий материалларни қамраб олади. Ўқув-илмий моддий базанинг катта қисмини виртуал ахборот-таълим муҳити ташкил этади, чунки бунда таълим олувчиларнинг масофада жойлашганлиги эътиборга олинади ҳдмда компьютер техникаси ва телекоммуникацияни қўллашга асосланилган инновацион воситалардан, таълим соҳасида эришилган энг сунгги ютуқлардан ҳам фойдаланилади".

Этнопедагогика” фанини ўтиш жараёнида давра суҳбатларининг ташкил этилишига ҳам алоҳида ўрин ажратилади. Давра суҳбатининг гуруҳларга бўлиб утказилиши машғулотнинг янада қизиқарли ва самарали ўтишига имкон беради.

Давра суҳбати чоғида талабаларлар кўпроқ ўз устида ишлашлари, ижодий изланишлари ва янги билимлардан хабардор бўлиш кераклигини

англаб етадилар. Бунинг натижасида талабалар машғулотга мустақил тайёргарлик қўриш, бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашиш, кутубхона ва Интернет ахборот тармоги хизматидан фойдаланиш асосида зарур маълумотларни туплаш имкониятига эга буладилар.

“Этнопедагогика” дарсида фойдаланиладиган интерфаол усуллардан яна бири -бу мунозарадир. Мунозаранинг ахамияти шундаки, уни ташкил этиш жараёнида ўқувчи талабаларнинг таълимий фаолликлари ошади, ўзаро тажриба алмашадилар, истикбол режаларини олдиндан башоратлайди ахамият берилиши зарур бўлган жихатлардан хабардор буладилар.

Талабаларга мунозара мавзуси ва режаси ҳам олдиндан тавсия этилиб, тайёргарлик учун муайян вақт ажратилди. Мунозара мавзу буйича етарлича назарий ва амалий билимга эга педагог ёки талабалардан бирининг бошловчилигида ташкил этилади. Бошловчининг ўзига хос лаёкати ўқувчиларда машғулотга нисбатан қизиқишларини оширишга ёрдам берди.

Гурух ёки оммавий шаклларда ташкил этилувчи мунозаралар учун характерли жихат тахлил этилаётган муаммолар юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштириш, улардан асосийларини танлаб олиш ва умумий хулосаларга келиш ҳисобланади.

Назарий тахлил, педагогик фаолиятни ташкил этиш инновацион технологиялар асосида дарс жараёнининг қуйидаги воситалар ёрдамида ташкил этилиши методик нуқтаи назардан тугри эканлигини курсатди: дарслик, қушимча материаллар, ўқувчиларнинг ижодий ишлари, методик тавсияномалар, давлат таълим стандарти, амалиётчи-психолог фаолияти мазмунини ифодаловчи талабнома ва бошқалар.

“Этнопедагогика” дарсида тажриба-синов ишлари машғулотларнинг муайян лойихалар асосида ташкил этилишига ҳам эътибор қаратилди. Қуйида ана шундай машғулотлардан айримларининг лойихалари намуна сифатида келтирилади:

Машғулот мавзуси: Турли ёшдаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари.

Машғулот мақсади: а) таълимий мақсад - ўқувчиларга турли ёшдаги ўқувчиларга хос ижобий ва салбий психологик хусусиятлар тўғрисида маълумотлар бериш, уларни ижобий ва салбий психологик хусусиятларнинг таркиб топиш сабабларидан хабардор қилиш, уларда психологик коррекция дастурларини танлаш ҳамда муаммога оид тажрибаларни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш; б) ривожлантирувчи мақсад - ўқувчиларда ўқувчиларнинг ижобий психологик хусусиятларини янада бойитиш ва салбий психологик хусусиятларни бартараф этишга оид тадбирлар акс эттирувчи муаллифлик лойиҳдаларини тайёрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Таълимий вазифалар:

1. Саволлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўқувчиларга хос ижобий ва салбий психологик хусусиятлардан хабардорлик даражасини аниқлаш.

2. Ўқувчиларни ўқувчиларда ижобий ва салбий психологик хусусиятларнинг шаклланиш сабаблари тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш орқали уларда ўқувчи шахсини ўрганиш методларини танлаш ва улардан амалий фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

3. Ўқувчиларда ўқувчиларнинг ижобий психологик хусусиятларини янада бойитишга йуналтирувчи тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш тажрибаларини ҳосил қилиш.

4. Ўқувчилар томонидан ўқувчиларда намоён булувчи салбий психологик хусусиятларни бартараф этишга оид тадбирларни ўтказишга оид муаллифлик лойиҳдаларининг тайёрланиши учун шароит яратиш.

Жихозлар: маркерлар, скоч, А 4 форматдаги қоғозлар, иштирокчиларни гуруҳларга ажратиш учун тайёрланган карточкалар.

Ролли уйинлар таълим амалиётида учрайдиган турли муаммо ёки вазиятларни сахна кўринишлари, ролли ҳаракатлар орқали ёритилишига хизмат қилади. Ўқувчилар ўзлари бажараётган роллар орқали муаммо ёки педагогик вазиятларнинг моҳиятини чуқур англашлари учун шароит яратилади.

Ролли уйинлар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда куйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Жараёнга пухта тайёрланиш:
 - ташкилий жихатдан;
 - мазмун жихатдан.
2. Муаммоларнинг мантикий ва ҳаётийлигини таъминлаш.
3. Ролларни таксимлашда иштирокчиларнинг потенциалларига эътибор бериш.
4. Ролли вазиятларни олдиндан мақсадли тайёрлаш.
5. Ролларни тугри таксимлашга эришиш.
6. Эпизодларнинг ижро этилишида ўқувчиларга зарур курсатмалар бериб бориш.

Ролли касбий уйин усулидан фойдаланганда иштирокчилар педагогик-ижрочилик мухитига ҳамда ўзларига тегишли вазифаларни бажаришга олдиндан психологик жихатдан тайёр бўлишлари асосий шартлардан ҳисобланади.

Мутахассиснинг уз фаолиятига берадиган шахсий баҳоси ҳам у томонидан ташкил этилувчи жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Худди шунингдек, педагогларнинг ўз имкониятларини оқилона баҳолай олишлари, фаолиятларини туғри режалаштира билишлари муайян натижаларни қўлга киритишга имкон беради.

- Педагогларнинг фаолиятлари ўрганилганда уларнинг йиллик иш режаларида имкониятларидан ташқари вазифалар ҳам қайд этилганлигининг гувоҳи бўлинди.

Шу боис тажриба-синов ишлари даврида педагоглар фаолиятларини мустақил баҳдлай олиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида интерфаол усуллар асосида махсус, мақсадли машғулотлар ташкил этилди. Машғулотларда ўқувчилар билан якка тартибда, жуфтликда ва кичик гуруҳларда ишлашга эътибор қаратилди. Куйида ана шундай машғулотлардан бирининг лойиҳаси намуна сифатида келтирилади.

Машғулот мавзуси: Ўзини-ўзи баҳолаш.

Машғулот мақсади: 1) таълимий мақсад - ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш методлари тўғрисидаги билимлар билан қуроллантириш, уларда ўз-ўзини баҳолаш фаолият самарадорлигини таъминлашдаги муҳим омил эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ҳосил қилиш ҳамда ўз-ўзини баҳолаш кўникма ва малакаларини шакллантириш; 2) ривожлантирувчи мақсад - ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш методлари орасидан макбулларини танлаб олишлари ва улар асосида доимий равишда касбий фаолиятлари самарадорлигини таҳлил қилиб боришларига эришиш.

Таълимий вазифалар:

1. Савол-жавоблар, муаммоли вазиятлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини мустақил баҳолай олиш кўникма ва малакаларига эгалликлари даражасини ўрганиш.

2. Мини-маъруза, кичик гуруҳларда ишлаш асосида ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш методлари тўғрисидаги билимларини янада бойитиш.

3. Тренинглар воситасида ўқувчилар да ўз-ўзини баҳолаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Жихоз: маркерлар, А4 форматдаги қоғозлар, скоч.

Фойдаланилган методлар: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, мунозара.

Жараёнинг бориши:

1-кадам. Ўқувчилар стол атрофида ярим дойра шаклида жойлашадилар. Хдр бир ўқувчига 1 тадан маркер ва А4 форматдаги қоғоз тарқатилиб, 15 дақиқа ичида жадвал асосида ўз имкониятларини таҳдил қилиш вазифаси топширилади. Топширикни бажариш учун қуйидаги жадвал тавсия этилади:

Фаолият самарадорлигига ижобий таъсир этувчи омиллар	Фаолият самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар
Хозирги вақтда	

Мавжуд имкониятларингиз	Мавжуд муаммолар
Келажакда	
Касбий фаолиятнинг мухим йуналишлари	Муаммо ечими

2-кадам. Ўқувчилар уз имкониятларини баҳолаган холда жадвални тўлдирадилар. Топширик бажарилгандан сўнг хар бир ўқувчининг вариантлари ёзув тахтаси ёнида муайян каторда жоилаштирилади (вариантларнинг муайян номга эга бўлиши ахамиятлидир, масалан, улар ўқувчиларнинг исмлари билан номланиши мумкин).

3-кадам. Ўқувчиларга эркин харакатланиб, вариантлар билан танишиб чиқиш, шунингдек, вариантлар асосида ўқувчилар салбий сифатлар, фаолиятдаги муваффакиятсизликка сабаб булувчи салбий омилларни бартараф этиш ёки муваффакиятларга эришишни таъминловчи омилларни бойитиш юзасидан хамкасблари билан фикр, тажриба алмашиш вазифалари юкланади.

Ушбу вазифа куйидаги тарзда хам бажарилиши мумкин: ўқувчилар икки катор (ички ва ташки) дойра шаклида жойлашадилар. Ташки дойра соат стрелкаси буйича айланади (яъни ўқувчилар харакатланадилар). Бир-бирлари билан рупарама-рупара келган ўқувчилар ўзларининг кучли ва кучсиз томонларини баён этиб, ўзаро фикр алмашадилар, салбий сифатларини бартараф этиш юзасидан бир-бирларига тавсиялар берадилар. Сўнгра ўқувчилар яна харакатланадилар ва ўзаро фаолиятларини тахдил қиладилар. Агарда улар маълум муаммоларга дуч келмайдиган бўлсалар, у холда иш тажрибалари юзасидан фикр алмашишлари мумкин.

4-кадам. Топширикнинг бажарилиш натижаларига кура тажрибали

амалиётчи-психологлар шахси аникланади (бундай ёндашув тажрибали психологларни аниклаб, навбатдаги машғулотларда уларни экспертлар гуруҳига жалб этиш, шунингдек, курснинг таркиби ва амалиётчи-психологларнинг касбий лаёқатлари, салоҳиятларини ўрганиш имконини яратади.

5-кадам. Ўқувчиларга уз имкониятлари асосида малака ошириш курсидан кутаётган натижаларни режа сифатида ёзиш вазифаси топширилади (мазкур режага мувофиқ курс якунида ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжлари қай даражада қондирилганлиги таҳлил қилинади). Ўқувчиларнинг режалари аудиториянинг қулай жойига ёпиштирилиб қуйилади ва курс давомида улар олинмайди.

6-кадам. Машғулот юзасидан муҳокама ташкил этилади ва машғулот якунланади.

“Этнопедагогика” фанини ўқишда педагогик фаолиятнинг муҳим характерида бири мулоқотга киришувчанлик (коммуникатив) малакаларига эга бўлишлари муҳимдир. Зеро, ушбу сифат ўқувчилар, ота-оналар ва педагогик жамоага самарали таъсир кўрсатиш омилларидан бири саналади. Мулоқотга киришувчанлик таълим субъектларини психологик тушқунлик ва зуриқишлардан холи этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айрим шахслар шахсий ҳаётларида ташқи салбий омиллар таъсирида юзага келган кескин ўзгаришларга етарлича бардош бера олмайдилар. Натижада уларнинг ҳатти-ҳаракатларида меъёрдан оғиш ҳолатлари кўзатилади.

Педагоглар ўқувчи ёшларда намоён бўлувчи бу каби ҳолатларни кура олишлари ва бевосита уларнинг олдини олишга кумақлашишлари лозим. Ана шу мақсадда педагог руҳий тушқунликка тушган ўқувчи ёки педагогик жамоа аъзоларидан бири билан мулоқот урнатади. Айни шу вазиятда педагогнинг мулоқотга киришувчанлик (коммуникатив) малакаларига эгаллиги ижобий натижаларни кул га киритишга имкон беради. Агарда у педагог сифатида мулоқотга киришувчанлик кўникмаларига эга бўлмаса,

зиммасидаги вазифани самарали хал эта олмайди.

Шу сабабли педагогларда мулоқотга киришувчанлик (коммуникатив) малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Куйида ана шу мақсадда ташкил этилган машғулотлардан бирининг лойихаси намуна сифатида келтирилади.

Мавзу: Самарали мулоқот омиллари.

Машғулот мақсади: 1) таълимий мақсад - ўқувчиларнинг самарали мулоқот омиллари борасидаги билимларини янада бойитиш, улар томонидан мулоқотни самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларининг ўзлаштирилиши учун имконият яратиш; 2) ривожлантирувчи мақсад - ўқувчиларнинг психологик хизматни ташкил этишда мулоқотни самарали ташкил этиш кўникма ва малакалари даражасини мустақил таҳлил қилиб боришларига эришиш. Таълимий вазифалар:

1. Савол-жавоб, анкета сурови воситасида ўқувчиларнинг самарали мулоқотни ташкил этиш кўникма ва малакаларига эғаликларини аниқдаш.
2. Ўқувчиларнинг самарали мулоқот омиллари борасидаги назарий билимларини янада бойитиш.
3. Ўқувчиларда мулоқотни самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Жихозлар: А 4 улчамдаги коғозлар, маркерлар, у^{инн}Д^а иштирок этадиганлар учун алоҳида вазиятлар ёзилган карточкалар.

Фойдаланилган методлар: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, мунозара.

Жараённинг бориши.

1-кадам. Ўқувчилар жуфтликларга бириктириладилар. Ҳар бир жуфтлик аъзоларининг суянчиқлари бир-бирига тақалган ҳолатда жойлаштирилган стулларга утиришлари суралади.

2-кадам. Ўқувчилар бир-бирларига ўзларини қизиқтирган саволларни берадилар. Бу ўринда қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

1. Сизга атрофдагилар, танишлар ёки нотанишлар билан мулоқотга

кириша олишингизда нима халал беради?

2. Айни вақтда Сиз билан мулоқот қилаётган шахснинг муаммолари билан қизиқасизми?

3. Сухбатдошингиз билан ўзаро ҳамфикр бўлишингиз учун нималарга эътибор қилишим лозим деб ҳисоблайсиз?

4-кадам. Стулларнинг ҳолатини ўзгартирган ҳолда ўқувчилар бир-бирлари билан юзма-юз утирадилар ва бир-бирларига саволлар билан муурожаат қиладилар. Бу ўринда куйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

1. Сизнингча, қандай ўзгариш содир бўлди?
2. Ўзингизни бундай ҳолатда қандай ҳис қиляпсиз?
3. Ноқулайлик сезилдими?
4. Мулоқотни ташкил этишда Сизга нималар ҳалакит берди?
5. Аввалги ҳолатда сухбатдошингизни қай даражада тушина олдингиз?
6. Балки ўзингиз сухбатдошингизни тинглашни хохламагандирсиз?

5-кадам. Мулоқот жараёни якунига етгач, мулоқотни самарали ташкил этишга ёрдам берувчи омиллар юзасидан муайян ҳулосаларга келинади. Бошловчи ёзув тахтасига урнатилган флипчарт коғозига ўқувчиларнинг ҳулосаларини қўйд этиб боради.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш даврида флипчарт коғозига куйидаги ҳулосалар ўз аксини топди:

- 1) сухбатдошлар бир хил мавзуда сўзлашишлари лозим;
- 2) сухбат самимийликка асосланиши керак;
- 3) сухбатдошлар мулоқотга психологик тайёр бўлишлари зарур;
- 4) сухбатдошнинг қайфиятига кура вазият инобатга олиниши лозим;
- 5) сухбатдошнинг сўз юритилаётган мавзуга нисбатан мотивациясини ҳис қилиш;

- 6) сухбат жараёнида ташқи таъсирлар ҳисобга олиниши лозим.

6-кадам. Педагог икки жихат - мазмун ва ҳис-ҳаяжон мулоқотнинг самарали кечишини таъминловчи асосий омиллар эканлигига урғу бериб

ўтиши лозим.

7-кадам. Ўқувчилар чиқарилган хулосалар юзасидан шахсий муносабатларини билдирадilar. Ёзув тахтасига осилган коғозда ўқувчиларнинг фикрлари қайд этиб бoрилади.

8-кадам. Жуфтликларга киёфасидан рухий тушкунлик ва зуриқиш акс этаётган ўқувчилар билан мулоқотга киришишда амал қилиниши зарур бўлган шартларни ифодалаш вазифаси топширилади.

Тажриба-синов ишларини олиб бoришда даврида ўқувчилар томонидан куйидаги шартлар баён этилди:

- ўқувчи билан суҳбатлашганда рухий якдиликка эришиш;
- амалиётчи-психологнинг ҳар бир фикрининг асосли бўлиши ва ҳаётий мисоллар билан бойитилиши;
- ўқувчини тинглай олиши;
- ҳар қандай вазиятнинг ижобий томонини курсата билиши;
- ўқувчида оптимистик қайфият (эртанги кунга бўлган ишонч)ни ҳосил қила олиш;
- уни олға кдраб интилишга рағбатлантира олиш.

9-кадам. Ёзув тахтасига флипчарт коғози осилиб, ҳар бир жуфтликка сўз бoрилади ва мулоқотни самарали ташкил этиш омилларидан бирини қайд этиш вазифаси топширилади (бунда жуфтликларнинг аввал билдирилган фикрларнинг такрорламасликлари инобатга олинади).

10-кадам. Машғулотнинг самараси юзасидан мунозара ташкил этилади ва яқун ясалади.

Тажриба-синов ишлари натижаларининг тахдили педагогик технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари, эркин фикрлашлари учун имконият яратилади. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолиятларини ташкил қилишда уюштириш, бошқариш, такомиллаштириш, тахлил қилиш, тадқиқ қилиш, киёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, назорат қилиш ва бахрлаш каби жараёнларга эдтиёж тугилади.

Демак, юкорида келтирилган лойихалар тартибида иш қуриш, яъни таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш педагогик фаолиятда муайян самараларга эришишга имкон беради.

ХУЛОСА

Малакавий битирув ишини хулосалар эканмиз, шуни айтиб ўтиш жоизки дарсда миллий кадриятларни узлаштириш укув ва синфдан ташқари машгулотларда укувчиларни халқ, педагогикаси тажрибасини урганишга боглик фаолият турларига жалб қилиш билан биргаликда олиб борилиши керак.

1. Бу педагогик шарт халқ, педагогикаси тажрибасини фаолиятли ёндашувга амал қилган ҳолда, таълимнинг тушунарлилиги принципига таяниб замонавий укув-тарбия жараёнига тадбик қилишни назарда тутди. Шунингдек, мазкур педагогик талаб миллий кадриятларни узлаштириш укувчининг дарсдаги ва дарсдан ташқаридаги бутун фаолиятини қамраб олишини, бу ишда узаро алоқадорлик ва изчиллик зарурлигини ўқтириб ўтади. Таълим жараёнида халқ педагогикаси воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўқув-билим, ижтимоий фойдали ва махсулдор меҳнат, уйин ва спорт-соғломлаштириш, бадиий-эстетик фаолиятида йулга қўйилиши лозим. Халқ педагогик маданиятининг илғор намуналаридан фойдаланиш комплекс равишда амалга оширилиши зарур.

Халқ дидактик ғоялари ва тажрибасининг тарбиявий вазифаларини рўёбга чиқариш ҳисобига ўқувчиларнинг миллий ўзлигини англашини ривожлантириш, миллий кадриятларни ўрганишга эҳтиёж ва заруриятни шакллантириш, ҳуқ-атворнинг миллий андозаларини таркиб топтириш.

Ўқувчиларда миллий онг ва миллий маданиятни таркиб топтириш аждодлар қолдирган маданий меросни ижодий равишда узлаштириш эвазига амалга оширилади. Хар бир халқака хос миллий маданият анъаналари, дунёни бадиий ҳис қилишнинг ўзига хосликларини ифода этиш шакли

сифатида миллий узлигини англашнинг сохиби (тарқатувчиси) вазифасини бажаради.

Ўқувчиларнинг миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш дарсда халқ педагогикаси воситаларидан фойдаланишнинг асосий вазифаларидан бири булибгина қолмасдан, балки унинг самарадорлик шарти ҳамдир. Таълим жараёнида миллий кадриятларни ташкилий равишда ўзлаштириш эвазига ўқувчиларнинг миллий ўзлигини англаши таркиб топади. Миллий ўзлигини ангаш эса, ўз навбатида ўқувчиларда миллий кадриятларни фаол ҳолда ўзлаштиришга эҳтиёж ва зарурат ҳосил қилади. Ўқувчи ёшларнинг она тилига ва давлат тилига бўлган муносабатларининг тубдан ўзгариши, уларни мукамал эгаллаб олишга бўлган эҳтиёжларининг ортиши ҳам кўп жиҳатдан миллий узлигини англашга боғлиқ. Шунингдек, ўқувчиларда ҳуққ-атворнинг этник стереотипларини шакллантиришида ҳам ҳуққ дидактик тажрибаси яхши натижа беради.

Ўқитувчининг дарс жараёнида халқ педагогикаси воситаларидан фойдаланишга назарий ва услубий жиҳатдан тайёрлиги — таълимда педагогик маданияг намуналаридан самарали фойдаланишнинг муҳим шартидир. Миллий мактаб ўқитувчиси халқ турмуши, маданияти, тили, урф-одатлари ва анъаналари, санъатининг билимдони булиши, биринчи навбатда, узи онг ва ҳуққ-атвор маданиятини намоён килиши керак. Халқ педагогикасининг миллий мактабдаги ўрни ва аҳамияти, умумназарий ва услубий муаммолари, таълим ватарбия жараёнларида халқ педагогикасидан илмий асосда фойдаланиш каби масалаларга доир чуқур ҳамда атрофлича билимга эга бўлмаган ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнида халқ тажрибасидан унумли фойдалана олмайди.

Таълим жараёнида халқ педагогикаси воситаларидан илмий асосда фойдаланиш юқорида келтириб ўтилган педагогик шарт-шароитларни биргаликда амалга оширишни талаб қилади. Халқ педагогикасидан фойдаланиш бирдан-бир тўхтам бўлиб қолмаслиги, балки у ҳар бир ўқув предмети бўйича ўқувчиларнинг таълим ўлчовлари даражасидаги билимлар

ва кўникмаларни узлаштиришларига ёрдам бериши муҳимдир. Айни чоғда, миллий таълим-тарбия вазифаларини амалга ошириш ҳам халқ педагогик маданиятидан илмий асосда фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир.

Таълимнинг глобаллашуви, ишлаб чиқариш жараёнининг тезлашуви ҳамда ижтимоий эҳтиёжларнинг тобора ортиб бориши таълим соҳасида юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш ҳамда ўқув муассасалари (ўқитувчи, ўқувчи ёшлар ва ота-оналар) дуч келаётган кийинчиликларни бартараф этишнинг оптимал йули сифатида педагогик фаолиятни оқилона ва самарали ташкил этилиши билан боғлиқдир. Ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш педагогларнинг касбий маҳоратларини ошириш билан бирга таълимий муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги фаол иштирокларини таъминлайди.

Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш мураккаб, куп босқичли жараён бўлиб, ушбу босқичлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ички боғланишни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнининг инновацион технологилардан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши таълим соҳасида сезиларли даражада самарадорликка эришишга замин яратади.

Назарий таҳлил ва педагогик фаолиятни бевосита ўрганиш натижасида муаммоли ўқитиш, дастурий таълим, ривожлантирувчи таълим, унинг технологиялари, интерфаол таълим, хдмкорлик таълими, табакалаштирилган таълим каби илғор педагогик технологиялар мактаб амалиётчи-психологлари малакасини оширишнинг самарали шакллари эканлиги тасдиқланди.

Ўқув жараёнида кичик маъруза, ўқув-мунозара, ролли уйини каби методлар, шунингдек, ўқув ва методик кулланмалар, қушимча материаллар, ижодий ишлар каби воситалардан самарали фойдаланиш таълим жараёнида тингловчиларнинг ўқув фаолликларини юзага келтиради.

Таълим жараёнида педагогик фаолиятни тугри ташкил қилиш, ўқув самарадорлиги курсаткичларини доимий равишда мониторинг қилиб бориш

педагог ходимлар томонидан махсус билимлар ва касбий фаолиятда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини етарли даражада ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Таълим жараёнини бу тарзда ташкил этилиши юқори даражада педагогик маҳоратга эга педагог ходимларни қупаишига таълимни тубдан ислох қилинишига, таълим соҳасида янги қирраларни забт этилишига олиб келади. Бунинг натижасида педагог ўзининг серқирра фаолиятида қўзлаган мақсадига эришиши мумкинлигини қузатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.” Ўзбекистон “ 1992й
- 2 Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.”Шарқ” 1997й
- 3 И.А.Каримов. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. “ Халқ сўзи “ газетаси 2006й 3 ноябрь 215 – сон .
- 4 И.А.Каримов.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.”Шарқ” 1999й
- 5 И.А.Каримов.Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.5 жилд. . ” Ўзбекистон “ Т, 1997й.
- 6 И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. ” Ўзбекистон “ Т. 1997й
- 7 И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. ” Ўзбекистон “ Т. 1997й
- 8 И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1998й.
- 9 И.А.Каримов.Буюк келажак сари. Т. 1998й.
- 10 И.А.Каримов. “Умид нихоллари” маърузаси “Халқ сўзи “ газетаси Т. 2006й.
- 11 И.А.Каримов.”Юксак манавият енгилмас куч” Ўзбекистон. 2008й.
- 12 И.А.Каримов.”Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида”Ўзбекистон 2011й
- 13 Н.Н.Азизхўжаева Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.2007й.
- 14 С.Борамов “Педагогика” Т. “Ўқитувчи “ 1990й
- 15 А.Боскамов “Педагогик технология” 2007й
- 16 АбдужаббароваТ.Бошланғич таълим ўқитувчисининг профессиограммаси. //Халқ таълими, 2004. 4-сон. 67-69- бетлар.
- 17 Зуннунов А., Тухлиев Б., Маъсудов Х. Педагогика тарихи (Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик). - Т.: Шарқ НМК, 2002. -

250 б.

- 18 Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи (Олий ўқув юртлари учун кулланма). - Т.: Ўқитувчи, 1997. - 272 б.
- 19 Иулдошев Ж.Г. Таълим янгиланиш йулида. - Т.: Ўқитувчи, 2000. -207б.
- 20 Иулдошев >К.Ф. Таълимимиз истиклоли йулида. - Т.: Шарк НМК, 1996. - 224 б.
- 21 Иулдошев Ж.Г., Усмонов С. Педагогик технология асослари. - Т.: Ўқитувчи, 2004. - 104 б.
- 22 Отажонов М. Психоанализ асослари. - Т.: Ўзбекистон, 2004. - 144 б.
- 23 Саидов Т. Инновацион технологиянинг мазмун-моҳияти. "Ақлий хужум" усули билан ўқитиш технологияси . - Т.: РТМ, 2003. - 8 б.
- 24 Сайидахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. - Т.: РТМ, 1999. - 55 б.
- 25 Сайидах,медов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000. - 46 б.
- 26 Фарберман Б. Инновацион технологиялар. - Т.: Фан, 2000. - 128 б.
- 27 Хайруллаев М. Маънавият юлдўзлари. - Т.: А.Кодирий номидаги Халк мероси нашриёти, 1999. - 397 б.
- 28 Шоумаров Ғ., Ахунджанова С, Согинов Н. Оналарга психолог маслаҳдти (Она-бола муносабатлари психологиясига оид илмий-амалий тавсиялар). - Т.: Мехнат, 2002. - 27 б.
26. Шоумаров Ғ. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. - Т.: Мехдат, 2001.-192 б.
27. Тозиев Э. Олий мактаб психологияси. - Т.: Ўқитувчи, 1997. - 104 б.
28. Х,асанбоева О. Педагогика тарихидан хрестоматия. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - 208 б.
29. Х,асанбоева О., Хдсанбоев Ж., ^амидов Х,. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1997.-248 б.
30. Хошимов К. Очилов С. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т; Ўқитувчи-1999.- 480 б.

Мундарижа

Кириш_____

1-боб Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг назарий асослари_____

1.1. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари_____

1.2. Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш, педагогик тизимни оптималлаштириш. _____

2-боб «Этнопедагогика» фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг методлари, шакллари ва воситалари._____

2.1. «Этнопедагогика» фанини ўқитиш жараёнида инновацион технологиялар асосида ташкил килиш. _____

2.2. «Этнопедагогика» предметини ўқитишнинг янги тамойил ва методлари. _____

Хулоса_____

Фойдаланилган адабиётлар руйхати _____

Иловалар_____